

XX АСР САМАРҚАНД АДАБИЙ ҲАРАКАТЧИЛИГИДА МАНБАЛАРНИНГ МАЗМУНИЙ ВА ЖАНРИЙ ТАСНИФИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.6653481>

Хуррамова Зебинисо Сафарбоевна

СамДЧТИ Яқин шарқ тиллари кафедраси,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада XX аср бошларидан 90-йилларигача бўлган даврда Самарқанд атроф- ҳудудларида яшаб ўтган ижодкорлар томонидан ёзиб қолдирилган бой адабий ва илмий мерос ўрганилиб манбалар таснифи амалга оширилган. Давр манбаларида мумтоз анъаналарнинг изчил давом эттирилгани шу йилларда яшаган ижодкорлар асарлари таҳлили асосида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: адабий ҳаракатчилик, шўро мафкураси, қўлёзма, анъана, зуллисонийлик, хаттотлик, таржима, манба, “Шарҳи Омолий”.

ABSTRACT

This article examines and classifies the rich literary and scientific heritage written by artists who lived in the Samarkand region from the beginning of the XX century to the 90s. Sources of the period highlight the consistent continuation of classical traditions based on the analysis of the works of artists who lived in these years.

Keywords: literary movement, Soviet ideology, manuscript, tradition, poetry, calligraphy, translation, source, “Commentary Omoly”.

КИРИШ

XX аср бошларидан то Мустақилликкача бўлган йиллар ўзбек миллатпарвар зиёлилари ҳаётида мисли кўрилмаган азоб-укубатлар, хорлик ва хўрланиш, қуллик ва мутелик йиллари бўлди. 1920-йиллардан бошлаб коммунистик партия ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳалар каби ўзбек адабиёти ривожига устидан ҳам ягона назоратни ўрнатди. Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши билан НКВД органлари зўравонликка куч берди. Энди, диний ўтмишга эга бўлган зиёлиларни оммавий қамоққа олиш бошланди. Бунинг исботи сифатида Наим Каримовнинг китобидан бир лавҳани келтирамиз: «1937 йилнинг ёз ойларида НКВДнинг янги раҳбари В.Ежов совет

давлатининг навбатдаги катагон кампаниясини юксак даражада» ўтказиш мақсадида махфий кенгаш ўтказди. Кенгашдан қайтган ЎзССР ички ишлар комиссари ўринбосари Леонов-Немировский НКВД вилоят бўлимларининг раҳбарларини тўплаб, уларга бундай дейди: «Москвада Ежов хузурида бошқа наркомлар ва бошқарма бошлиқлари ўн минглаб кишиларни ҳибсга олганлари тўғрисида ҳисобот берганларида Ўзбекистон НКВДсининг атиги бир неча минг кишини қамаганини айтиш мен учун жуда уятли бўлди». Леонов – Немировский адреслар столига бориш, телефон дафтарларини варақлаш, ҳатто сайловчилар рўйхатини кўздан кечириш орқали ўн минглаб кишиларни қамоққа олишни айтади. НКВД ертўласидаги кийноқхонадан самарали фойдаланиш мумкинлигини писанда қилади» [1,29]. Шундан сўнг қўйилган топшириқни амалга ошириш учун Ўзбекистонда бегуноҳ кишиларни айбдор қилиш, айниқса, саводли ёки эски мадраса кўрган, ота-боболари зиёли ўтган кимсаларни қамоққа олиш бошланади. Бир томондан масжид, мадрасаларни бузишга қанчалик зўр берилса, иккинчи томондан, оталари дин пешволари бўлганларни ўзлари ҳам, оила аъзолари ҳам таъқиб остига олинди, мол-мулклари тортиб олиниб, шахсий кутубхоналари ёндирилди, баъзилари юртдан қочиб қутилди, баъзилари «халқ душмани» тамғаси билан Сибирь ўлкаларига қамоқ муддатини ўташга жўнатилди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Умрининг бир қисмини ана шундай зулматда ўтказган зиёлилар юртга қайтгандан сўнг умрларининг охиригача оғизларига мум солиб ўтдилар. Чунки «Сиёсий Бюро ва НКВД катагон этилган миллионлаб кишилар манглайига «халқ душманлари» деган мудҳиш тамғани ўйиб, уларнинг муборак номларини, қилган хайрли ишларини, ҳатто қариндош-уруғларини, хизматдошлари, ватандошлари хотирасидан бир умрга ўчириш чораларини кўрди[1,7]. Бу кишиларнинг фарзандлари ўз келиб чиқишларини яширмаса, ҳатто совет давлати ташкилотларида мансабга ҳам тайинланмас, бир умр «халқ душмани авлоди» – деган тамгадан қутула олмас эдилар. Уларнинг ораларида ижодкорлар кўп бўлган. Бироқ улар ўз ижод намуналарини ошкор қила олмас эдилар. Сабаби, бу шахслар совет давлатининг сохта «миллий сиёсат»ини ёқламас эдилар. Шеърларини эса мумтоз адабиёт анъаналарига мувофиқ бўлгани учун газета ва журналларда чоп қилишнинг иложи йўқ эди. Оммавий ахборот воситалари ўта жиддий назоратга олинган эди. Ҳар бир шеър давр мафкураси нуқтаи назаридан текширувдан ўтар эди. «Главлит» деган адабиёт ва нашр ишлари бўйича бош бошқарма тузилган бўлиб, ҳатто бир сатр ҳам

уларнинг назаридан четда қолмас эди. Анъанавий диний–фалсафий ғояларни поэтик образларда, анъанавий жанрларда давом эттириш – «ўтмиш ҳаётини қўмсаш» ёки «эскилик сарқитлари»ни тарғиб этиш дея баҳоланди. Аруз вазнида ёзилган шеърлар шоирни эски тузумни қўмсовчилар сифатида жазога тортишга тўлиқ асос ҳисобланарди. Шунинг учун замона зайли билан шоирлар бармоқ вазнида ижод этишга мажбур бўлдилар.

Аммо ўзбек мумтоз адабиёти тараққиётини тўхтатиб бўлмади. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, совет даврида бармоқ вазнига асосланган янги замонни, янги замон кишиси туйғулари ва ижтимоийлик касб этган кечинмаларини шеърга солиш, шўро давлати мафкураси белгилаб берган мавзулар доирасидаги шеърят билан ёнма-ён ўзбек мумтоз шеърятининг кўпйиллик тажрибасини ўзида мужассам этган аруз вазнига асосланган, диний–фалсафий дунёқараш негизида шаклланган мумтоз шеърят ҳам яшаб келди. Фақат ижод намуналари пинҳон сақланди. Зулматда қолган ижод аҳлининг кўпчилиги мавжуд тузум томонидан рад этилган, иш билан таъминланишига ҳам йўл қўйилмаган, баъзилари улкан олим даражасида бўлса-да, оддий ходим сифатида ишлашга мажбур бўлган шахслар эди. Баъзиларининг турли байрам ёки тадбирлар муносабати билан ёзилган айрим шеърлари матбуотда эълон қилинган, албатта. Бироқ уларнинг аксарият асарлари мавжуд тузум мафкурасига тўғри келмаганлиги боис дафтарларда қолиб кетди. Мустақилликдан сўнггина бундай ижод аҳли меросини ўрганиш имкониятлари туғилди. Уларнинг баъзилари ўрганилиб, адабий мерослари авлодлари ёки илм аҳли томонидан чоп этила бошлади, қисқача илмий ахборотлар берилди. Жумладан, Ғарибий [2,112] – Нарзуллахон Низомиддинхон ўғли, Салоҳий [3,554] – Салоҳиддин Жалолиддин ўғли (1878–1964), Ножий [4,104–208] – Қори Муҳаммадрасул (1895–1989) девони, Қутбий [5,61]–Қутбиддин Муҳиддинов (1907–1984), Соидий [6,335] – Низомиддин Зокиров (1931–1969), Сирожий [7,81] –Самариддин Сирожиддинов (1932–1987), Салоҳий [8,142] (1933–1997) каби ижодкорлар шеърый тўпламларининг нашр қилинганини таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда Самарқанд шаҳри ва атроф ҳудудларида яшаб, ижод этган, бироқ асарлари дафтарлар шаклида уларнинг авлодлари шахсий архивларида сақланиб келаётган кўплаб номлар аниқланди. Уларнинг адабий мероси кўздан кечирилиб, тавсиф ишлари олиб борилмоқда. Бу давр ижодкорлари асарларини мазмунига кўра **адабий манбалар** – девонлар, лирик шеърлар мажмуаси, мусаввадалар (Ибн Давлат, Ножий, Музний, Вадуд Махмуд, Муродий,

Аҳлам, Жомеъ Ғарибий), **тарихнависликка** оид манбалар (Аҳлам, «Хидир элининг тарихи»), **илмий манбалар** (Вадуд Маҳмуд илмий тадқиқотлари) кўринишида мавжуд эканлигини таъкидлаш лозим. **Манбаларни жанр турига кўра** хат ва ёзишмалар, ҳужжатлар ва архив фондлари (Вадуд Маҳмуд, Жомеъ)га бўлиш мумкин.

Девон тузиш анъанаси. 1920-1990 йиллар мобайнида Девон тузиш анъанасининг давом этиб келганлиги бир нечта шоирлар ижоди мисолида кўринади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бир қатор шоирларнинг девонлари 30-40-йиллар ижтимоий-сиёсий тўфонида йўқ қилинган бўлса, баъзиларининг девони кимларнингдир қўлида қолиб кетган. Ана шу йўқотишлардан омон қолган бир неча девонлар давр адабиёти бадий камолотини аниқлашга имкон беради. Жумладан, Ибн Давлат томонидан 1944-йилда тартиб берилган Девон, Вадуд Маҳмуд томонидан 60-70-йилларда тузилган рубоийлардан иборат мажмуа, Аҳлам, Жомеъ, Муродийнинг мусаввада, тўпламларини ҳали жамоатчиликка номаълум лирик мерос сифатида, Музний, Ғарибий, Ножий, Салоҳий, Қутбий, Соидий, Исомиддин Салоҳий, Сирожий ва бошқаларнинг мустақилликдан кейин нашр этилган асарларини айтиб ўтиш мумкин.

Девон тузиш анъанаси Ибн Давлатнинг ғазал, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, рубоий, фард ва бошқа мумтоз жанрдаги 345 та шеърӣ асарини Басмала, ҳамд, муножот ва араб алифбоси асосидаги ҳарфлар тартибида жойлаштирилиши муаллиф томонидан мазмун ва шакл жиҳатидан анъанавӣ девон тартиб бериш қоидаларига амал қилинганини кўрсатади. Ножий девони ҳам анъанавӣ девон тузиш талаблари асосида тартиб берилган, кўплаб жанрдаги бадий баркамол шеърлардан иборат.

Вадуд Маҳмуд томонидан тузилган мажмуа ўзига хос бўлиб, бунда турли жанрдаги шеърлар эмас, фақат бир жанр-рубоийлар жамланганини таъкидлаш жоиз. Бунда ҳам рубоийлар девон тузиш анъанасига кўра араб алифбоси тартибида жойлаштирилиб, мингдан ортиқ шеърлар киритилган.

Шоир Жомеъ қўлёзмалари орасида «Баёзи Жомеъ» дан олинди» деган жумла учради, шунга кўра бу даврда баёз тузиш анъанаси ҳам давом этганини билиш мумкин. Лекин шоир адабий мероси орасида баёзни учратмадик. Йўқолган деб тахмин қилиш мумкин.

Мусаввада ҳолидаги лирик меросга Аҳлам ва Жомеъ шеърларини мисол келтириш мумкин. Муродийнинг мумтоз жанрлар асосида яратилган шеърӣ тўплами (шоирнинг ўзи бу тўпламни девон деб атади) муаллифнинг ўз қўли билан ниҳоятда чиройли ҳуснихатда тартиб берилган.

Ўзбек адабиётида **зуллисонанлик** мумтоз шеъриятнинг ажралмас қисми саналиб, муҳим анъана сифатида баҳолаб келинади. Бу анъана 1917-1990 йиллар мобайнида самарқандлик шоирлар томонидан муваффақиятли давом эттирилган. Ўтган асрнинг 20-йилларигача бўлган даврда тазкира ва баёзларга киритилган Муфтақир, Таслим, Васлий, Ажзий сингари шоирлар томонидан давом эттирилган бу анъана кейинчалик пинҳоний тарзда Музнийбий, Салоҳий, Омонулла Охунд, Ножий, Аҳлам, Жомеъ, Вадуд Маҳмуд, Қутбий ва бошқа шоирлар томонидан давом эттирилди. Бу шоирлардан баъзиларида, хусусан, Ножий, Аҳламда ўзбек тилидаги шеърлар кўпроқ бўлса, Музнийбий, Салоҳий, Вадуд Маҳмуд, Жомеълар ижодида форс-тожик тилидаги шеърлар кўпчиликини ташкил этади. Булар орасида Ибн Давлат ва Муродийлар бу анъанани четлаб ўтганига гувоҳ бўламиз. Хусусан, Ибн Давлат девони фақат туркий-ўзбек тилидаги ғазал ва мухаммаслардан тузилган бўлиб, унда биргина форс-тожик тилидаги қитъани учратиш мумкин. Муродий шеърий тўплами ҳам туркий-ўзбек тилидаги ғазал, мухаммас ва мусаддаслардан тузилган.

Хаттотлик анъанаси. Қуръони каримни кўчириш-хаттотлик анъанаси Омонулла Жўрабой ўғли томонидан давом эттирилган. Араб ёзувининг куфий хат турида кўчирилган Қуръони каримнинг тўртта нусхаси бугунги кунгача сақланиб қолган. Бу нусхалардан учтаси бугунги кунда Қўшработ туманида, биттаси Миёнкўлда авлодлари қўлида сақланади. Қуръони карим қўлёзма нусхаларидан бири бўйи 60см., эни 30 см., қалинлиги 8 см., оғирлиги 4,5 кг ни ташкил этади, ҳижрий 1333 йил, милодий 1914 йилда кўчирилган [9,11]. Қолганлари 20 йилларда кўчирилган. Бу ўз даврида хаттотлик анъанасининг ҳам муносиб давом эттирилганини кўрсатади. Яна шуни айтиб ўтиш керакки, бугунги кунда Муродийнинг мухлиси ва шогирдларидан бири томонидан бизга тақдим этилган қирққа яқин шеърий тўплами қўлимизда. Бу шеърий тўпламлар Муродийнинг нафақат шоир сифатида XX аср ўзбек мумтоз адабиёти анъаналарини давом эттиргани, балки шу давр манбашунослиги ва матншунослиги, хусусан, хаттотлик анъаналарини давом эттирган моҳир хаттот сифатида ҳам ҳиссаси борлигини кўрсатади.

Таржимачилик ва қасидаи мадҳиялар яратиш анъанаси. Бу давр шеъриятидаги анъаналардан яна бири таржимачилик бўлиб, шоирлар ижодхонасида турли катта-кичик жанрдаги асарлар таржимасини учратиш мумкин. 1917 йилдан мустақилликкача бўлган даврда анъанавий мумтоз шеъриятнинг бошқа жанрларига қараганда қаттиқ таъқибга олинган шундай турлари ҳам бор эдики, булар мавжуд тузум олиб бораётган мафкурага тескари

бўлиб, Яратганнинг мадҳи –ҳамд, инсоннинг Яратганда илтижоси–муножот ва пайғамбарлар (асосан Муҳаммад с.а.в. мадҳи) наътлар типидagi умумий ҳолда Қасидайи мадҳияга бирлашувчи шеърлар эди. Ҳатто шўро даврида чоп этилган улуғ шоирлар эпик асарлари таркибий қисмини ташкил этган бу қасида турлари атайин нашрдан тушириб қолдирилар ва умуман ўрганилмас эди. Адабиётшунос Р.Орзибеков ҳамд, муножот ва наът шакллари хусусида тўхталар экан, ҳақли равишда шундай ёзган эди: «Афсуски, инқилоб тўнтаришидан сўнг адабиёт илмида диний-фалсафий, ирфоний мазмундаги бундай асарлар четлаб ўтилди. Улар диний-хурофий, расмий асарлар сифатида қайд этилди, холос»[10,27]. Қасиданинг бу турида қалам тебратиш XX асрнинг 20-30 йилларидан бошлаб бошқа мумтоз жанрларга қараганда деярли тўхтаб қолгандек эди. Шунга қарамай, бугунги кунда қасидайи мадҳия таркибига кирувчи ҳамд, муножот ва наът каби қасида шакллариининг ошкора бўлмаса-да, пинҳоний тарзда мавжуд бўлиб келганлиги шу даврда яшаган бир қатор шоирлар ижоди мисолида маълум бўлмоқда. 1917-1990 йиллар оралиғида Самарқанд адабий ҳаракатчилигида Саййид Муҳаммад Йўлдош – Ибн Давлат (1876-1947) девонида қасиданинг ғазал, мураббаъ, мухаммас, мусаддас жанрларида ёзилган ўнлаб намуналари, Музнийбий (1878-1969), Аҳлам (1887-1971)нинг мусаввадаларида маснавий, ғазал, мухаммас жанрларида ёзилган ҳажман катта бир қатор ҳамд, муножотлар, Қутбий (1906-1983) ижодида ҳам ўзбек ва форс-тожик тилларидаги ғазал, маснавий жанрида ёзилган қасида турлари бу давр шеъриятнинг энг юксак бадиий намуналари бўлиб саналади. Қасиданинг ҳамд, муножот, наът каби турлари асосан эпик асарларнинг кириш қисмида келтирилади. Ибн Давлат, Музнийбий, Аҳлам ва Қутбийлар ижодида булар алоҳида шеър тури сифатида мустақил ҳолда учратамиз. Бу даврда яратилган диний-тасаввуфий, ирфоний мазмундаги бу муножотлар шўро даври атеистик мафкурасига қарши ўлароқ халқимизнинг диний эътиқоди асосида шаклланган ўзлиги, миллий руҳияти акс этган бадиий асар намуналари экани билан ҳам катта аҳамиятга эга эди. Бу давр шоирлари томонидан яратилган ҳамд, муножот ва наът туркумидаги кўплаб шеърлар XX аср 30-80- йилларида диний-фалсафий, ирфоний мазмундаги қасидалар ёзиш анъанаси сақлаб қолингани ҳамда муваффақиятли давом эттирилганини кўрсатувчи муҳим манбалар бўлиб хизмат қилади.

Аҳламнинг мусаввадалари орасида настаълиқ хатида ҳуснихат билан ёзилган қасида мавжуд. Бу Абу Бакр Сиддиқ (572-634) томонидан араб тилида ёзилган 12 байт, 24 мисрали муножотнинг ўзбек тилига қилинган таржимаси.

Бу ҳақда шоирнинг ўзи «Ушбу қасидайи шариф ҳазрати Абу Бакр Сиддик разиоллоҳу анҳу қасидаларидур. Камина банда ул жаноби руҳи покларидан истионат талаб қилиб, бу қасидани турки(й) тилга назм қилдим. Токи турки(й) тилда сўзловчи дўстлар ҳам бу табаррукона қасидани(нг)маъносидин баҳраманд бўлуб, ўқуб савоб топсунлар» – деб изох беради» [11,5].

Нарзуллахон Эшон-Ғарибий (1908-1986 й.)нинг Тавҳид, яъни Аллоҳнинг ягоналиги, яратувчанлик сифатлари бадий акс эттирилган манзумалар туркуми ҳамда Қасидаи Омолийнинг шарҳли назмдаги таржималари каби диний-ирфоний мавзудаги асарлар яратиш ёки таржимасини амалга оширишни дин-этикод тан олинмаган бир даврда маънавий жасорат деб баҳолаш ўринли бўлади, назаримизда.

Эпик асарлар таржимасида Салоҳий томонидан таржимаси бошланган «Баҳори дониш» асарини айтиб ўтиш мумкин. Бобурий ҳукмдорлардан Шох Жаҳонга бағишлаб Иноятулло Канбу томонидан ёзилган бу форс тилидаги насрий асарни Салоҳий туркий-ўзбек тилига назмий таржима қилишни бошлаган. 1916 йилда бошланган таржимани муаллиф тўрт йилда охирига етказишини тахмин қилган, лекин таржима асар кириш қисмини ўзбек тилига ўгириш билан тўхтаб қолган. Бунинг сабабини муаллиф баззозлик хўжалиги синиши, замонанинг нотинчлиги ва отасининг вафоти омиллар билан изоҳлаган. «Кунлардан бир кун бир жел рафиқлар «Баҳори дониш» китобини туркий назм қилмоқни тақозо қилиб, шаъма қилур эрдилар. Ман ҳам ўзумға маъкул кўруб, тахминан ҳисоб қилсам, тўрт йилға тамом бўлувини мужмалан маълум қилғон бўлдум ва ўтган пиру устозлардан мадад тилаб мазкурға урундум»[3,402-403]. Шоирнинг бу сўзларидан яна шуни англаш мумкинки, шарқда «Одоби тасниф» яъни ҳар қандай китоб тузишдаги анъана тусини олган қоидаларга у ижодкор сифатида амал қилган. Бунга кўра китоб басмала, ҳамд, наът, муножот, устозлардан мадад сўраш ва китоб ёзилиши сабаби каби омилларнинг кўрсатиб ўтилиши лозим саналган. Бизнингча, мадраса таълимини олган олим ва етук шоир сифатида ўзи таржима қилишни бошлаган бу асарни «Одоби тасниф»сиз бошлаши деярли мумкин бўлмаган ҳол. Бундан ташқари асар асл нусхасида ҳам бу олтин қоидага амал қилинган. Бизнингча, муаллиф амалга оширган таржима асарнинг маълум қисмлари йўқолган бўлиши мумкин. Китобни нашрга тайёрлаган К.Тўрамурод «Салоҳий қилган таржимани айрим тузатиш ва қисқартиришлар билан» берганини ҳисобга олганда, таржима аслияти билан нашр вариантыда маълум бир тафовутлар мавжудлиги маълум бўлади.

Ҳикоятнавислик. Шарқ адабиётида муҳим ўрин эгаллаган дидактик йўналишдаги асарлардан намуналар XX аср 70-80 йилар адабиётида ҳам учрайди. Бунга мисол тариқасида Латиф Шарибийнинг панд-насихат характеридаги ҳикоятларини айтиб ўтиш мумкин. Унинг ҳикоятларида Шайх Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» асарлари мазмуни ва композицион тузилишига эргашиш кузатилади. Мисол тариқасида “Хом-ғўрлик ҳикояти”ни келтирамиз: Қишлоқ чеккасидан бир гала бўри тоғ томон ўтиб кетди. Уларга итнинг кичкинагина икки боласи эргашди. Кўп уриндим, аммо полапонларни қайтара олмадим. Чунки улар анча узоқлашиб кетган эди. Минг афсус билан қишлоққа қайтдим. Кўзим қордаги изларга тушди: йирик тирноқли излар ёнида жажжи изчалар ҳам бор эди. Бир неча кун қуйидаги тўртлик тилимдан тушмади.

Рубойи:

Бу ўрликмас, бу албатта, хом –ғўрлик,
Эргашиб бормоқда бечора шўрлик,
Полапон бўғзига бўри тиш ургай,
Қолур эҳ, жасади бўлмасдан гўрлик[12,101].

ХУЛОСА

Кўринадики, XX аср ўзбек адабиёти тарихида мумтоз адабий анъаналар изчил давом этган. Бу анъаналар мумтоз адабиётимизнинг мавзулар кўламида ҳам, жанр–шакллар оламида ҳам ўз аксини топган. Айниқса, нақшбандийлик тариқатига издошлик бу давр адабиётида муҳим ўрин тутди. 1920-1990 йиллар мобайнида Самарқанд шаҳри ва яқин атрофларида ошкора ва пинҳон тарзда мавжуд бўлган тарқоқ ва сочилган ҳолдаги бу лирик мерос бир жойга жамланиб, қўлёзма ҳолида сақланган араб ёзувидаги асарлар жорий ёзувга табдил қилинса ҳамда бу ноёб лирик мерос монографик кўламда ўрганилса, ўзбек адабиётшунослигининг ўтган 70-75 йиллик тарихи – собиқ шўро тузumi даврида муножот, ҳамд, наът, ғазал, рубойи, мухаммас, мусаддас, таърих, маснавий, қитъа ва бошқа мумтоз жанр ва мавзуларда ёзилган катта лирик мерос мавжудлиги ойдинлашади.

АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Каримов Н. 1937-1938 йиллардаги «Катта қирғин»нинг фожиали оқибатлари. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2015. –Б.29.
2. Ўроқхон (Рафъиддинхон) ҳожи шайх Нарзуллахон ўғли. Ибратли ҳаёт гулшани. - Тошкент: Мовароуннахр, 2005. –Б. 112. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи: фил.фан. ном. Сайфиддин Сайфуллоҳ.

3. Салохий. Қори Салоҳиддин Махдум Қори Жалолиддин Махдум ўғли. Кутилган китоб. –Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2015. –Б.554.
4. Ножий. Уммон.–Самарқанд: Зарафшон. 1996.– Б.104. Қори Муҳаммадрасул Ножий. Девон. – Тошкент: Mumtoz so`z. 2014. –Б. 208.
5. Қутбӣ. Ман зи хатти қаламат омадаам. –Тошкент: Янги авлод,.2003. –Б. 61.
6. Соидий. Кечиккан китоб. –Тошкент:Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2014. –Б. 335.
7. Сирожий. Армон. –Тошкент:Наврўз, 2012. –Б. 81.
8. Салохий. Ҳарорат. –Самарқанд: СамДУ, 2004. –Б. 142.
9. Тўймуҳаммад ўғли Ёрбек. Омонulloҳ мақомоти. –Тошкент:Янги нашр, 2010. –Б. 11.
10. Орзибеков Р.Ўзбек лирик шеърляти жанрляри. –Тошкент:Фан, 2006. – Б. 27.
11. Аҳлам. Қўлэзма. Шахсий архив. 5-саҳифа.
12. Латиф Шарифий. Боғ. Девон. –Тошкент.: 2003. – Б.101.
13. Тухтасинов, И. М. (2011). Лингвокультурологические и гендерные особенности сложных слов в художественном тексте (на материале английского и узбекского языков). Автореф. дисс.... канд. филол. наук. Ташкент: УЗГУМЯ.
14. Тухтасинов, И., & Хакимов, М. (2021). Modern views on the problem of distance and traditional methods of teaching italian language in higher education institutions. Society and Innovation, 2(2), 111-117.
15. Tukhtasinov, I. M., Muminov, O. M., & Khamidov, A. A. (2017). The days gone by. Novel by Abdulla Qodiriy. Toshkent.
16. Tukhtasinov, I. M. (2018). The structure of the phenomenon of equivalence and its importance for translation strategies. In Modern Romano-German linguistics and new pedagogical technologies in language teaching, Materials of the Republican scientific-practical conference, Samarkand.
17. Тухтасинов, И. М. (2018). Развитие профессиональной компетенции на основе эквивалентности при подготовке переводчиков.
18. Tukhtasinov, I. M. (2017). Discursive approach in the training of translators. In Mat. International scientific and creative forum" Youth in science and culture of the XXI century". Chelyabinsk: Chelyabinsk State Institute of Culture (pp. 229-231).
19. Тухтасинов, И. М. (2012). Национально-культурная специфика сложных слов, выражающих внешность и характер человека, в английском и узбекском

- языках. Вестник Челябинского государственного университета, (2 (256)), 122-125.
20. Тухтасинов, И., & Хакимов, М. (2021). Современные взгляды на проблему дистанционного и традиционного методов обучения итальянскому языку в высших учебных заведениях. Общество и инновации, 2(2), 111-117.
21. Тухтасинов, И. М. (2017). Дискурсивный подход в обучении переводчиков. In Научные школы. Молодежь в науке и культуре XXI в. (pp. 229-231).
22. Тухтасинов, И. (2021). Таржимоннинг касбий компетенцияси ва фаолият функциялари. Иностранная филология: язык, литература, образование, (3 (80)), 5-10.
23. Тухтасинов, И. (2021). Особенности формирования учебного процесса в системе высшего образования Узбекистана в условиях Covid-19. Иностранная филология: язык, литература, образование, (1 (78)), 11-18.
24. Тухтасинов, И. М. (2020). Лингвокультурологический аспект обучения переводческой компетенции. In Язык и культура (pp. 226-231).
25. Tuxtasinov Maqsadjon Murodjon O‘G‘Li (2020). San‘at va madaniyat sohasi talabalari bilimlarini nazorat qilishda nostandart testlarning afzalliklari. Oriental Art and Culture, (III), 320-325.
26. Тухтасинов, У. М. (2020). ИГРОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА. Мировая наука, (3), 498-501.
27. Тухтасинов, И. М. (2020). Лингвокультурологический аспект обучения переводческой компетенции. In Язык и культура (pp. 226-231).
28. Tuhtasinov, Ilhom and Lutfilloeva, Fahriniso, The Japanese Language Teaching Technologies Based on Computer Simulation Models (September 10, 2019). Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=3458780>
29. Тухтасинов, И. М. (2019). ВНЕДРЕНИЕ ИННОВАЦИЙ В ПРОЦЕСС ОБУЧЕНИЯ ТЕОРИИ И ПРАКТИКИ ПЕРЕВОДА. In Россия-Узбекистан. Международные образовательные и социально-культурные технологии: векторы развития (pp. 111-113).
30. Сукиасян, Г. А., Тухтасинов, И. М., Гушул, Ю. В., & Баштанар, И. М. (2019). Научные школы. Молодежь в науке и культуре XXI века: материалы междунар. науч.-творч. форума (научной конференции), 7–8 нояб. 2019 г./сост.: СБ Синецкий (отв. сост.).
31. Тухтасинов, И. М. (2018). Методика выявления эквивалентности слов разносистемных языков в процессе перевода. Бюллетень науки и практики, 4(7), 539-544.

32. Тухтасинов, И. (2017). Таржимада маданий мослашиш ҳолатлари. Иностранная филология: язык, литература, образование, 2(2 (63)), 5-9.
33. Тухтасинов, И. (2017). Жамият тарихининг ҳозирги босқичида таржимонлар тайёрлашнинг асосий муаммолари. Иностранная филология: язык, литература, образование, 2(4 (65)), 20-24.
34. Тухтасинов, И. (2016). Таржима назариясида тиллараро эквивалентлик тушунчаси ва унинг тадқиқи. Иностранная филология: язык, литература, образование, 1(4), 26-30.
35. Тухтасинов, И. М. СОЦИОЛИНГВИСТИЧЕСКАЯ СПЕЦИФИКА В ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ. ББК 74.48 Р 76, 314.
36. Djurayev, D. M. Linguo-cultural Approach to Teaching Foreign Languages. International Journal on Integrated Education, 3(12), 240-241.
37. Джураев, Д. (2021). ХИТОЙ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ТАЛАБА ХАРАКТЕРИНИНГ АҲАМИЯТИ. АКТУАЛЬНОЕ В ФИЛОЛОГИИ, 1(1).
38. Джураев, Д. (2020). Талабаларни таълим жараёнида хитой тилига ўқитиш самарадорлигини ошириш методлари. Иностранная филология: язык, литература, образование, (1 (74)), 124-127.
39. Джураев, Д. М. (2017). ИСТОРИЧЕСКИЕ ПРЕДПОСЫЛКИ ОБУЧЕНИЯ И МЕТОДЫ ПРЕПОДАВАНИЯ КИТАЙСКОГО ЯЗЫКА В УЗБЕКИСТАНЕ. In Актуальные вопросы преподавания китайского и других восточных языков в XXI в. (pp. 84-88).
40. Dilshod, D. (2012). 乌兹别克斯坦与中国重要节日的对比 (Master's thesis, 新疆大学).